

**“PULMAN MIKROKREDIT
TASHKILOTI” MЧЖ Таъсисчи умумий
йиғилишининг**

**“ _____ ” _____ 2019 йилдаги
_____ -сонли баёни Қарори билан**

ТАСДИҚЛАНГАН

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi
«PULMAN MIKROKREDIT TASHKILOTI»нинг
2019 йилга КРЕДИТ СИЁСАТИ**

МУНДАРИЖА:

I.	УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР	3
II.	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	5
	§1. МКТ кредит сиёсатининг меъерий-ҳуқуқий асослари.....	5
	§2. Кредит сиёсатининг мақсади	6
	§3. Кредит сиёсатига ўзгартириш қилиш	7
	§4. Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш	7
	§5. Кредит портфелини аудит қилиш	9
III.	КРЕДИТ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ.....	10
	§1. Кредит сиёсати йўналишининг тамойиллари	10
	§2. Кредитларни диверсификация қилиш	13
	§3. Тенг кредитлаш имкониятлари.....	12
IV.	КРЕДИТЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ ҲАМДА ЧЕКЛОВЛАР.....	13
	§1. Кредитларнинг умумий турлари ва тоифалари	13
	§2. Кредитлашнинг асосий тамойиллари ва шартлари	13
	§3. Янги кредит маҳсулотларининг жорий қилиш тартиби.....	15
	§4. Дахлдор шахсларга кредит ажратиш талаблари	16
	§5. Кредит устамасини ҳисоблаш.....	16
	§6. Кредитлаш манбалари	17
V.	КРЕДИТ РИСКИНИ БОШҚАРИШ	17
VI.	КРЕДИТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА КРЕДИТ АЖРАТИШ ҚОИДАЛАРИ.....	18
	§1. Кредит операциялари жараёнида ҳужжатлар алмашинув тизими.....	18
	§2. Кредит операциялари бўйича ҳужжат юритиш талаблари	19
	§3. Кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар.....	19
	§4. Кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш.....	19
	§5. Кредит таъминоти ва унга қўйиладиган талаблар.....	20
	§6. Баҳолаш.....	20
	§7. Кредит шартномасини тузиш	211
VII.	ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТ ТУРЛАРИ.....	211
	§1. Микроқарз	21
VII.	КРЕДИТ МОНИТОРИНГИ	211
IX.	КРЕДИТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	233
X.	МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БИЛАН ИШЛАШ	233
	§1. Кредит артларининг ўзгартирилиши (Реструктуризация).....	255
	§2. Муаммоли кредитлар бўйича материалларни расмийлаштириш ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд органларига тақдим этиш	25
	§3. Умидсиз кредитларни ҳисобдан чиқариш қоидалари.....	266
XI.	КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ЮЗАСИДАН МКТТАЪСИСЧИЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ҲИСОБОТ БЕРИШ	266

I. УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Кредит (микромолиявий хизматлар) – Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга ЎзР “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан нақд пул ва (ёки) пул ўтказиш йўли билан ажратилган микрокредит, микролизинг, микроқарз, истеъмол кредити ва бошқа микромолиявий хизматлар.

Микрокредит – қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баробаридан ошмайдиган миқдорда тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса муайян мақсадлар учун бериладиган пул маблағларидир.

Микролизинг (лизинг) – молиявий муносабатларнинг махсус тури бўлиб, ЭКИХнинг икки минг бараваридан ошмайдиган суммада 12 ойдан узоқ бўлган муддатга лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутилладиган хизматдир.

Қайтарилувчи микролизинг (лизинг) – микролизинг олувчи бир вақтнинг ўзида микролизинг объектини етказиб берувчи бўлиб ҳам ҳисобланади. Қайтарилувчи микролизингда, микролизинг объектининг эгаси микролизинг объектини МКТга сотади ва бир вақтнинг ўзида у билан микролизинг олувчи сифатида мазкур микролизинг объектига микролизинг олувчи шартномасини тузади.

Факторинг – бу хўжалик юритувчи субъектлар-етказиб берувчиларни (бундан кейинги матнда - мижоз) улар томонидан МКТ-молия агентига тўловчилардан (бундан кейинги матнда -тўловчи) юборилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун улар томонидан акцептланган, лекин ҳали тўланмаган ҳамда муддати ўтмаган тўлов талабномалари бўйича пул тўловини олиш ҳуқуқини ўтиб беришлари эвазига, регресс ҳуқуқисиз, молиялаштириш борасидаги МКТ хизмат туридир. МКТда факторинг хизматлари бир шартнома бўйича ЎзРда ўрнатилган ЭКИХнинг минг баробаридан ошмайдиган миқдорда ажратилади.

Истеъмол кредити - аҳолининг истеъмол талабларини қондиришга ёрдам берувчи кредит бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товар ва (ёки) хизматларни сотиб олиш учун ЭКИХнинг 200 (икки юз) баробаридан ошмайдиган миқдорда тақдим этилади.

Микроқарз - жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса тўловлилик шarti асосида ҳам берилладиган пул маблағларидир.

Гуруҳли кредитлаш (микромолиялаш) – бунда микромолиявий хизматларга буюртма берувчилар (мижозлар) ихтиёрий равишда гуруҳ ташкил этишиб, гуруҳ аъзолари бир бирларининг МКТ олдидаги кредит қарздорликлари (мажбуриятлари) бўйича тўлик солидар жавобгарликка эга бўладилар. Солидар жавобгарлик тўғрисидаги кафилик

шартномасининг мавжуд бўлиши МКТ томонидан буюртмачилардан қўшимча таъминот талаб этилишига тўсқинлик қилмайди.

Сузиб юривчи фоиз ставкаси – маълум бир муддатларда қайта кўриб чиқилувчи ёки Ўз.Р. Марказий Банкнинг қайта молиялаш ставкасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Одатда бундай кредит фоиз ставкалари ўзгарувчан даврларда қўлланилади.

Фоиз – молиявий хизмат турларидан фойдаланганлик учун қарздор томонидан тўланадиган устама.

Фоиз ставкаси – ажратилган кредит учун маълум бир муддат учун фоиз ҳисобида ҳисобланадиган устама. Фоиз ставкаси кредит ажратиш билан боғлиқ риск ва инфляция билан боғлиқ йўқотишларни олдини олиш учун хизмат қилади.

Синдикатлашган кредит - бир неча кредиторлар (МКТлар, банклар ва/ёки молия институтлари) томонидан бир қарздорга ажратиладиган кредит.

Жисмоний шахсларнинг скоринги - кредитлаш рискинни математик ва статистик моделлар орқали мижозларга турли характеристикалар бериш, масалан, шахсий даромад, ёши, оилавий шароити, кредит тарихи ва х.к. методлар орқали баҳолаш.

Гаров - мулк ёки бошқа турдаги қимматликлар бўлиб, кредит шартномасида белгиланган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажариш таъминоти ҳисобланади.

Қарздорнинг кредит тарихи - мижознинг кредит битимларидан келиб чиққан мажбуриятларни бажаришига доир маълумотлар тўплами.

Кредитга лаёқатлилиқ - кредит олувчининг кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олишини моддий ва молиявий томондан ўрганилган имкониятлари тўғрисидаги маълумотлар тўплами.

Кредитнинг имтиёзли муддати - кредит берилган вақтдан бошлаб унинг биринчи тўловини амалга оширишга қадар берилган имтиёзли давр. Фоиз тўловлари тўловига имтиёзли давр белгиланмайди.

МКТ кафолати - МКТ мижозининг бенефициар олдида олган мажбуриятларни тўлиқ (ёки қисман) бажармаган тақдирда, МКТ томонидан мазкур мажбуриятни зиммасига олиш мажбурияти.

Энг кам иш ҳақи (ЭКИХ) - ЎзР Президентининг тегишли Фармонлари ёки бошқа қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган МКТ ва мижоз ўртасида шартнома тузиш санасидаги иш ҳақининг энг кам миқдори.

Тўловга лаёқатсизлик - юридик ёки жисмоний шахснинг мавжуд молиявий мажбуриятларни ўз вақтида бажара олмаслик ҳолати.

Қарздорликни 3-шахсга ўтказиш - қарздор билан келишган ҳолда унинг биринчи қарздорлигини 3-шахсга ўтказиш. Қарздорликни 3-шахсга ўтказиш билан берилган кафиллик ва гаров, қонуний кучга эга бўлиши учун уч томонлама келишув мавжуд бўлиши шарт.

Тўловларни аннуитет орқали амалга ошириш - ажратилган кредитнинг асосий қисми ва фоиз тўловларини ўз ичига олган ҳолда тенг миқдорда тўлаб бориладиган тўлов.

Аннуитет тўлови миқдори - Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида (бошланишидан тугагунга қадар) ўзгармайдиган тўлов миқдори.

Ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳи - бу икки ёки ундан ортиқ қарздорлардан иборат гуруҳ ҳисобланади. Мазкур гуруҳ вакилларининг бирортаси молиявий ҳолатидаги ҳар қандай ўзгариш, гуруҳнинг қолган барча аъзоларига тўғри пропорционал равишда таъсир кўрсатади.

Кредит бўйича эҳтимолий йўқотишлар - келгусида қарз олувчининг молиявий аҳолида салбий ўзгариш ҳолати рўй бериши натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар.

Кредит бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун махсус захира - бу «субстандарт», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган кредитлар ҳамда микролизинг амалиётлари бўйича эҳтимолий бўлган зарарларга нисбатан шакллантирилган захира.

Умумий захиралар - бу МКТ фаолиятининг умумий ёки бирон-бир фаолият туридаги эҳтимолий бўлган зарарларни қоплаш мақсадида шакллантирилган захира.

МКТ - Ушбу ҳужжатда «PULMAN МКТ»МЧЖ маъносини билдиради.

Корпоратив Мижоз - ташкилот, корхона, муассаса, жамият шаклида фаолият юритаётган юридик мақомга эга бўлган мижозлар, юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда фаолият олиб бораётган деҳқон ва фермер хўжаликлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

§1. МКТ кредит сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

§2.Кредит Сиёсатинингмақсади

§3.Кредит Сиёсатига ўзгартириш киритиш

§4. Ваколатлар даражаси ва маъсулиятни тақсимлаш

§5. Кредит портфелини аудит қилиш

§1. МКТ кредит сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

1. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган:
 - а. 154-1-сонли 21.12.1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида» ги Қонуни;
 - і. 53-сонли 20.09.2006 йилда қабул қилинган «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» ги Қонуни;
 - б. 530-2-сонли 30.08.2003 йилда қабул қилинган «Банк сирини тўғрисида» ги Қонуни;

- в. 50-сонли 15.09.2006 йилда қабул қилинган «Микромолиялаш тўғрисида» ги Қонуни;
- г. 33-сонли 06.05.2006 йилда қабул қилинган «Истеъмол кредити тўғрисида» ги Қонуни;
- д. 318-сонли 26.07.2001 йилда қабул қилинган «Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида». Вазирлар Махкамаси Қарори;
- е. 614-1-сонли 01.05.1998 йилда қабул қилинган «Гаров тўғрисида» ги Қонуни;
- ж. Фуқаролик Кодекси
- з. 279-1-сонли 30.08.1996 йилда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонуни,
- и. 474-2сонли 24.04.2003 йилда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида» ги Қонуни;
- к. 756-1-сонли 14.04.1999 йилда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида» ги Қонуни;
- л. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 25.05.2011 йилда 2230-сон билан рўйхатга олинган «Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатларига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида» ги Низом;
- м. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 23.11.2006 йилда 1642-сон билан рўйхатга олинган “Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш Қоидалари”;
- н. ЎЗР Адлия Вазирлигида 16.07.2012 йилда 2378-сон билан рўйхатга олинган “Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги НИЗОМ;
- о. Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари.

§2. Кредит сиёсатининг мақсади

2. Мазкур кредит сиёсатининг асосий мақсади МКТнинг кредитлаш тартибларини белгилаб бериш ва уларнинг ижросини назорат қилиш, кредитлаш фаолиятида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлаш, МКТ мижозларининг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини етарли даражада қондириш, МКТ томонидан берилган кредитларнинг муддатида қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини белгилаш, кредит рискинни самарали бошқариш ва МКТ ликвидлигининг барқарорлигини сақлаган ҳолда МКТ активларининг даромадлигини таъминлашдан иборат.
3. Кредит Сиёсатини амалга ошириш тартиб қоидалари муттасил равишда бозор шароитидаги ўзгаришларнинг тартиб, талаб ва қоидаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида МКТ Таъсисчиларининг умумий йиғилиши томонидан назорат қилиб борилади.
4. Кредитлаш амалиёти билан боғлиқ бўлган рискларни мониторинг ва назоратини тизимлаштириш, МКТнинг тегишли бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган таклифлари асосида МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилиши томонидан тартибга солинади. Мазкур Сиёсат ҳамда бунга боғлиқ тартиблар воситасида, МКТ Таъсисчилари Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган стратегик мақсадларга эришиш борасида МКТ ижро органи фаолиятига баҳо бериш тизимининг асосларини белгилаб беради.

5. Сиёсат, кредит олиши мумкин бўлган буюртмачилар ҳамда мазкур буюртмачилар томонидан олиниши мумкин бўлган кредит турларини белгилаб бериш мезонларини аниқлаб беради.
6. Берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилишига ҳамда қарздорнинг молиявий ҳолатини доимий мониторинг қилиш.
7. Мазкур Сиёсатда белгилаб ўтилган бошқа ички факторлар, кредит ажратишга ҳамда кредит суммасини белгилашга ваколатли бўлган лавозим ва мажбуриятларни белгилаб беради.
8. Кредитлаш бўйича ваколатлар МКТнинг тегишли ташкилий тузилмалари ўртасида тақсимланган бўлиб, Сиёсат, ўрнатилган тартиб ва қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида, ички таҳлил ҳамда назорат ҳисоботи тизимини ҳам қамраб олади. Мазкур тизим, МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилиши ҳамда МКТ раҳбариятига Кредит Сиёсатини амалга ошириш борасидаги тўлиқ ва ишончли маълумотни етказишга йўналтирилган. Шунингдек, мазкур тизимни амалга оширишдан мақсад, кредитлаш жараёнида иштирок этувчи ходимлар фаолияти ҳамда кредит портфелининг ҳолатига боғлиқ операциялар ҳолатига баҳо беришдан иборат.

§3. Кредит сиёсатига ўзгартириш киритиш

9. Йил давомида юзага келадиган, МКТ Кредит портфели ҳолатига таъсир кўрсатган ҳар қандай факторларни таҳлил қилган ҳолда, МКТ Таъсисчилар Умумий Йиғилиши мазкур сиёсатга ўзгартиришлар киритиши мумкин.
10. МКТнинг барча ходимлари кредитлаш сиёсати ва тартибини такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини билдиришлари мумкин. Бунинг учун таклифлар ёзма шаклда Ижрочи директорга тақдим этилиши лозим.
11. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг кўрсатма ва тавсия хатлари асосида ҳам кредит сиёсатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.
12. МКТ ижрочи директори томонидан кредит сиёсатига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳа шаклида ишлаб чиқилиб, МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишига таклиф билан мурожаат қилинади. Сиёсатга киритиладиган ўзгартиришлар фақат Таъсисчилар умумий йиғилишининг тасдиғидан сўнг кучга киради.

§4. Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш

13. МКТ Таъсисчилар Умумий Йиғилиши кредит операцияларини назорат қилиш бўйича функцияларнинг асосий қисмини Кредит Қўмитаси зиммасига юклайди.
14. Кредит Қўмитасига бириктирилган функционал мажбуриятлар мажвуд бўлиб, мазкур мажбуриятларни амалга ошириш борасида Кредит Қўмитаси ўзининг йиғилишини ўтказди, йиғилиш котиби ўтказиладиган йиғилиш натижасида қабул қилинган қарорларни ҳамда Кредит Қўмитаси аъзоларининг таклифларини баённомаларда қайд қилиб боради.
15. Кредит Қўмитаси фаолиятини ушбу Сиёсатнинг Кредит Қўмитаси тўғрисидаги иловасига мувофиқ амалга оширади.
16. Юқорида кўрсатилиб ўтилган ваколатлар МКТ Кредит Қўмитаси зиммасига юклатилиши - МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишининг кредит рискинни бошқариш борасидаги масъулиятини чекламайди.
17. Кредитлаш бўлими МКТ бўйича кредит рискинни бошқариш ва мониторинг қилиш бўйича тартибларни ишлаб чиқиш ҳамда реализация қилиш учун масъулдир.

18. Кредитлаш жараёни кредит операциялари циклининг барча томонларини камраб олган бўлиб, қуйидаги шаклда детализация қилиниши мумкин:
- Кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёни;
 - Кредит ажратиш;
 - Кредит ва кредит портфелини бошқариш ва мониторинг қилиш;
 - Йиллик таҳлил тартиби.
19. Кредит портфелини самарали бошқариш учун маъсулият штат жадвали асосида кредитлаш бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.
20. Мазкур Сиёсат, МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилиши назорати остида МКТ Ижро органи ҳамда Кредит Қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ўрнатилдиган ички тартиб ва қоидалар мазкур Сиёсатга мувофиқ равишда кредит портфели сифатини ошириш ва кредит рискларини самарали бошқаришга қаратилган бўлиши лозим.
21. Мазкур Сиёсатни амалга ошириш ва назорат қилиш борасидаги жавобгарлик МКТ Ижрочи директори, Кредит Қўмитаси, Кредитлаш бўлими бошлиғига юклатилади.
22. Мазкур Сиёсатга мувофиқ равишда фаолиятни ташкил қилиш ҳамда тегишли қуйи таркиб фаолиятини мувофиқлаштириш жавобгарлиги қуйидаги раҳбар шахсларга юклатилади:
- Кредит Қўмитаси аъзолари;
 - Кредитлаш бўлими бошлиғи;
 - Бош Бухгалтер;
 - Кредитлаш бўлими мутахассислари.
23. Кредит портфелининг сифатини назорат қилиш ва мониторинг қилиш жавобгарлиги Кредитлаш бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.
24. МКТда кредитлаш лимитлари бўйича икки хил ваколат даражаси мавжуд:

Ваколат даражаси	Бир кредит олувчи мижоз учун белгиланган кредит лимити	Дахлдор шахсларга ва ўзаро дахлдор шахслар гуруҳига белгиланган кредит лимити
МКТ Кредит Қўмитаси	Миқдори 100 млн. сўмгача бўлган барча кредитлар	
МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилиши	Миқдори 100 млн. сўмдан ортиқ ва МКТ активларининг 10% гача бўлган барча кредитлар	МКТ активларининг 10% гача бўлган барча кредитлар

25. МКТ Кредит Қўмитасига ўрнатилган лимит доирасидан ортиқ бўлган кредитлар учун МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишидан рухсат олинади.
26. Қуйидаги кўрсаткичлар кредитлаш лимитларининг фоизларда белгиланган чегаралари ҳисобланади:
- бир мижозга таъминот асосида ажратилган кредит миқдори: МКТ жами капиталининг 10 фоизигача.
 - бир гуруҳ ўзаро алоқадор шахсларга ажратилган кредит миқдори, агар умумий қарздорлик мажбурияти мавжуд бўлса: МКТ жами капиталининг 10 фоизигача;
 - барча мижозларга ишонч асосида ажратилган кредитларнинг қолдиқ суммаси ҳақиқатда шакллантирилган устав фондининг 10 фоизигача.

27. Миқдоридан қатъий назар, МКТга дахлдор шахсларга ажратиладиган барча кредитлар (микроқарз) МКТ Таъсисчилар Умумий Йиғилишининг тегишли қарори асосида расмийлаштирилади.
28. Кредит мутахассислари лавозим ваколатлари доирасида берган хулосаларига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда солидар жавобгар ҳисобланадилар.
29. МКТ ресурс базасининг ҳолати ҳамда аввалги даврлардаги кредитлаш ҳажмини ҳисобга олиб, ушбу йил учун кредитлаш бўйича прогноз кўрсаткичлари умумий кредитлаш ҳажмига нисбатан қуйидагича тақсимланиши кўзда тутилган:
- а. жисмоний шахсларга – 100%.
30. Шу билан биргаликда кредит бериш санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан ўрнатилган меъёрий кўрсаткичларга қатъий амал қилинади.
31. Юқоридаги ваколатлар билан биргаликда қуйидаги истисно ҳолати мавжуд:
- а. Муаммоли деб топилган кредитлар – Кредитни сўндиришнинг якуний муддатида сўндирилмаган ҳамда қайтмаслик хавфи юқори бўлган муаммоли кредит йиғма жилди амалдаги қонунчилик асосида сўндириш чораларини кўриш учун 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмаган ҳолда юридик хизмат ихтиёрига топширилади. Мазкур Мижозга ва унга ўзаро дахлдор шахсларга келгусида МКТ Бошқарувининг алоҳида кўрсатмаси бўлмагунга қадар, ҳеч қандай кредит амалиётлари хизмати кўрсатиш мумкин эмас.

§5. Кредит портфелини аудит қилиш

32. МКТ Таъсисчилари умумий Йиғилишига кредит портфелининг ҳолати бўйича ҳар чоракда ҳисобот бериб борилади. МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишига ушбу ҳисоботни бериб бориш бўйича МКТнинг ички аудити масъул ҳисобланади. МКТ ички аудити ҳар чоракда мустақил тарзда кредит портфелини текширувдан ўтказди.
33. Текширувни амалга оширишда ички аудит қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:
- а. Кредит муносабатлари ушбу кредит сиёсати талабларига ҳамда амалдаги қонунчиликнинг барча талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилаётганлигига;
 - б. Кредит ажратилишида чиқарилган қарорлар, ваколатлар доирасида амалга оширилганлигига ва ҳақиқий кредит аризаси асосида амалга оширилганлиги;
 - в. Қарздор тўғрисида олинган маълумотлар ҳаққонийлигига;
 - г. Гаров шартномасидаги гаров таъминоти аниқ ва адекват тақдим қилинганлиги;
 - д. Мижоз билан тузилган кредит, кафиллик ва гаров шартномаларини ҳамда бошқа ёзма муносабатларни ваколатлар доирасида ҳамда тасдиқланган шакл асосида тузилганлигига;
 - е. Гаров мулкни сақлаш ва таъқиқларни қонуний тарзда ваколатли органлар томонидан рўйхатга олинганлигига;
 - ж. Кредит rischi тўғри баҳоланганлигига;
 - з. Тўлов жадвалига асосан 30 кундан ошиқ муддати ўтган кредитлар муаммоли кредитлар тоифасида таснифланишига;
 - и. Захиралар тегишли йўриқнома ва МКТнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари бўйича шакллантирилганлигига;

- к. Рисклар ва концентрация бўйича МКТ лимитларининг адекват ва тўғри бўлишлигини;
 - л. Кредит бериш бўйича қарорлар қабул қилиш, уларни қайтарилиши, кредит шартномасига ўзгартиришлар киритиш ушбу сиёсат ва бошқа ички ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилаётганлигини;
 - м. Кредит амалиётларининг молиявий бозор шароитидаги шартларга жавоб беришлигини (адекватлиги);
 - н. Маълумотларни FlexFin тизимида тўғри акс эттирилаётганлигини;
 - о. Кредит портфелида мавжуд кредитларга ўрнатилган мониторинг амалиётига баҳо бериш.
34. Ўтказилган текширув якунлари бўйича ички аудитор аниқлаган камчиликлар бўйича МКТ ижрочи директорига, кредит бўлими бошлиғига кредит портфели riskини камайтириш, активларни қайтадан классификациялаш, тегишли кредит ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ўз тавсияларини беради.
35. Ўтказилган текширув якунлари бўйича ички аудит ходими аниқлаган камчиликлар бўйича текширув актларини МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишига ва МКТ ижрочи директорига тақдим қилади.

III. КРЕДИТ СИЁСАТИ СТРАТЕГИЯСИ

§1. Кредит сиёсати йўналишининг тамойиллари

§2. Кредитларни диверсификация қилиш

§3. Тенг кредитлаш имкониятлари

§1. Кредитсиёсати йўналишининг тамойиллари

36. МКТ кредит портфели сифатини ошириш, янги мижозларни жалб қилиш ҳамда МКТ кредит фаолиятига салбий таъсир ўтказган факторларни бартараф этиш мақсадида МКТ стратегияси мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилади.
37. МКТ кредит бозорининг юқори даромадли секторларида фаолиятини кенгайтиради ҳамда барқарор молиявий ҳолатга ва бизнесни ривожлантириш истиқболлари юқори бўлган мижозлар билан муносабатларни мустахкамлайди, бизнесни ривожлантириш истиқболлари юқори бўлган тармоқ ва регионларда фаолиятни кенгайтиради.
38. МКТ барча рискларни қоплашга қаратилган консерватив кредит сиёсатини амалга оширади.
39. МКТ истиқболли микромолиявий лойиҳаларни самарали молиялаштиришга қаратилган, актив кредит сиёсатини амалга оширади.
40. МКТ кредит стратегияси асосини ташкил қилувчи ҳамда кредит riskини минимизация қилишга имкон берувчи Кредит Сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:
- а. **Кредитга лаёқатлилиқ** - мавжуд сифатли мижозлар базасини сақлаш ҳамда кредитга лаёқатлилиги юқори мижозларни жалб қилиш;
 - б. **Таъминотнинг мавжуд бўлиши устуворлиги** – кредит қийматини қоплайдиган гаров таъминоти мавжуд бўлиши шароитида кредит ажратиш.
 - в. **Муддатлилиқ** – кредит шартномасида белгиланган ҳамда муддат келиши билан қатъий равишда қайтарилишлиқ шarti билан кредит ажратиш тамойили;
 - г. **Тўловлилиқ**– кредит сифатида ажратилган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун белгиланган тартибда фоизларни тўлаш;

- д. **Қайтарилишлик** – кредитга ажратилган пул маблағларини қайтариш. Кредит суммаси бир марталик тўлов орқали ажратилиши мумкин. Мазкур суммадан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг қайтарилади;
- е. **Мақсадли ишлатилиш** – кредит аниқ бир мақсадда ажратилади (шартномада назарда тутилган ҳолларда);
- ж. **Мониторинг** – кредит шартномасининг амал қилиш муддати давомида мониторинг фаолиятини ташкил қилиш. Мониторинг фаолияти Қарздор томонидан кредит бўйича мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолатини келтириб чиқарувчи факторларни олдиндан аниқлаб бориш мақсадида ташкил қилинади;
- з. **Кредит портфелини диверсификация қилиш** – мажбуриятларнинг ҳаддан зиёд концентрацияси билан боғлиқ рискларни, кредит портфелини мувофиқ равишда диверсификация қилиш орқали камайтириш. Кредит портфелини диверсификация қилиш - ресурсларни тармоқ, регион, таъминот тури, муддатлар бўйича ҳамда ўзаро боғлиқ бўлмаган миқдорлар ўртасида оқилона тақсимлаш орқали амалга оширилади. Диверсификация, кредит портфелининг сифатини оширади ҳамда кредит рискининг умумий даражасини пасайтиради;
- и. **Кредит жараёнини ташкил қилиш** – кредит жараёнида иштирок этувчи МКТ ташкилий тузилмалар ва ходимлар ўртасида функциялар ва мажбуриятларни аниқ белгилаб бериш орқали кредит фаолиятини амалга ошириш. Мажбуриятларни белгилаб бериш, операцияларни амалга ошириш асосида ваколатлар устма-уст келишини ҳамда хатолар юзага келишини олдини олади.
41. Жорий йилда МКТ Кредит фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:
42. МКТ микромолиявий хизматларни фақат Ўзбекистон Республикаси резидентларига кўрсатади. Микроқарзлар жисмоний шахсларга уларнинг шахсий эҳтиёжларини молиялаштириш учун берилади. Кредитлар қарз олувчиларга куйидаги мақсадлар учун берилади:
- жисмоний шахсларнинг шахсий эҳтиёжларига (Микроқарз);
 - Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатиш (ишлар бажариш) соҳаси билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишга.
43. МКТ кредитларни куйидаги мақсадлар учун бермайди:
- илгари олинган кредитларни ёки бошқа ҳар қандай қарзларни узишга;
 - тамакичилик ва алкогольли ичимликлар ишлаб чиқаришга;
 - мажбурий меҳнат ёки бола меҳнатидан фойдаланиш натижасида фойда олиб келадиган ишлаб чиқаришга ёки фаолиятга;
 - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки Халқаро Конвенция билан таъқиқланган товарларни ишлаб чиқаришга ёки савдоси билан шуғулланишга;
 - қурол ва ўқ-дориларни ишлаб чиқаришга ва савдо қилишга;
 - қиморга асосланган ўйинларга, казино ва шунга ўхшаш бошқа фаолиятларга;
 - Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенцияда белгилаб берилган йўқолиб кетаётган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар, ёки улардан тайёрланган товарлар билан савдо қилишга;
 - радиактив материалларни ишлаб чиқариш ва сотишга, бундан тиббий ускуналар мустасно;

- и. асбест толаларни ишлаб чиқаришга, савдосига ва фойдаланишга;
- к. ёғочни ёки маъмурий бўлмаган ўрмонлардан олинадиган бошқа ёғоч маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки сотишга;
- л. таркибида кўпгина миқдорда кимёвий воситалар бўлган товарларни ишлаб чиқариш, сотиш, сақлаш ва ташишга ёки кимёвий зарар бўлган маҳсулотларни тижорат мақсадида ишлаб чиқаришга, бундан халқаро стандартлар билан тасдиқланганлари мустасно;
- м. халқаро ҳамжамият томонидан таъқиқланган фармацевтик препаратларни ишлаб чиқаришга ва савдосига;
- н. пестицидлар ёки халқаро даражада таъқиқланган ўтларни ишлаб чиқаришга ёхуд савдосига;
- о. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланган фаолият турлариги.

§2. Кредитларни диверсификация қилиш

44. МКТ, кредитлаш фаолиятини қуйидаги категорияларда лимитлаш орқали рискларни диверсификация қилади:
- а. Иқтисодиёт тармоқлари (жисмоний шахс бўлмаган мижозлар бўйича);
 - б. географик регионлар;
 - в. кредит муддати;
 - г. таъминот турлари;
 - д. кредитни тақдим қилишдаги ваколат;
 - е. кредитлаш лимитлари;
 - ж. қарздорликни қоплаш муддатлари.
45. Кредитлар концентрацияси, барча кредит муносабатлари спектрида мавжуд тўғридан-тўғри, воситали ва шартли мажбуриятлар суммаси сифатида аниқланади.
46. Кредитлаш лимитларининг миқдорий нисбатини белгилаб берувчи параметрлар қуйидагилардир (МКТ бўйича):
- а. бир мижозга таъминот асосида ажратилган кредит миқдори: МКТ жами капиталининг 10 фоизигача.
 - б. бир гуруҳ ўзаро алоқадор шахсларга ажратилган кредит миқдори, агар умумий қарздорлик мажбурияти мавжуд бўлса: МКТ жами капиталининг 10 фоизигача;
 - в. барча мижозларга ишонч асосида ажратилган кредитларнинг қолдиқ суммаси ҳақиқатда шакллантирилган устав фондининг 10 фоизигача.

§3. Тенг кредитлаш имкониятлари

47. Кредит операцияларини амалга оширишда барча жисмоний шахслар ижтимоий келиб чиқиши, жинси, ирки, миллати, этниқоди ва бошқа шахсий сифатларидан қатъи назар, МКТ олдида тенг имкониятларга эга бўладилар (мазкур сиёсатда белгилаб ўтилган ҳолатлардан ташқари). Кредитлаш, буюртма берувчининг молиявий ҳолати ҳамда рискинни ўрганиш воситасида амалга оширилади.
48. Кредитлар фақат жисмоний шахсларга ажратилади. Барча мижозларни кредитлаш шартнома асосида амалга оширилади.
49. МКТ, мазкур Сиёсат талабларига мувофиқ ҳамда ўрнатилган кредитлаш лимитлари доирасида, буюртмачилар билан муносабатларни шакллантиради ҳамда кредитлаш объектини аниқлаштириш, кредитлар ёрдамида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлигига боғлиқ фаолиятни мустақил равишда амалга оширади.

IV. КРЕДИТЛАШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ ҲАМДА ЧЕКЛОВЛАР
§1. Кредитларнинг умумий турлари ва тоифалари.**§2. Кредитлашнинг асосий тамойиллари ва шартлари****§3. Янги кредит маҳсулотларининг жорий қилиш тартиби****§5. Дахлдор шахсларга кредит ажратиш тартиби****§6. Кредит устамасини ҳисоблаш****§7. Кредитлаш манбалари****§1. Кредитларнинг умумий турлари ва тоифалари**

50. Мазкур Кредит Сиёсати қуйидаги кредит тоифаларни ўз ичига олади:
- а. Жисмоний шахслар – жисмоний шахслар деб, Ўзбекистон Республикаси резидентлари тушунилади.
 - б. Якка артибдаги тадбиркорлар –тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, мустақил равишда, ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширувчи жисмоний шахсдир.
51. МКТ кредитлари турлари ва уларнинг асосий шартлари, шу жумладан фоиз ставкаси, минимал ва максимал миқдори, муддати, истиқболли буюртмачилар ушбу Кредит сиёсатига алоҳида илова тарзида берилди. МКТ кредитлари умумий шартлар бўйича қуйидаги турларга ажратилади:
- а. Муддатига кўра:
 - і. қисқа муддатли – 21 кунгача бўлган муддатли кредитлар;
 - б. Мижоз мақомига кўра:
 - і. жисмоний шахсларга.
 - в. Кредитлаш мақсадига кўра:
 - і. жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар, истеъмол ва бошқа турдаги чакана кредитлар, шу жумладан, жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун;
52. Кредитлар алоҳида кредит ҳисобварағи орқали икки хил услубда ажратилиши мумкин:
- а. кредит линияси очиш орқали –МКТмижозга алоҳида кредит ҳисоб варағидан кредит шартномада келишган маблағларни мијознинг талабига мувофиқ босқичма-босқич ажратиб бериш мажбуриятини олади. Бунда мијоз кредит линияси миқдори ва муддати доирасида кредитни чекловларсиз ёпиш ва қайта олиш имкониятига эга бўлади.
 - б. кредит линияси очмасдан –МКТтомонидан мијоз кредит ҳисоб варағига кредит шартномасида келишилган маблағларни мијознинг биринчи талабига мувофиқ ажратиб бериш мажбуриятини олади.
53. Кредит олиш учун буюртма билан мурожаат қилган Мијоз бошқа банк-молия институтларидан кредитга эга бўлса, бу мијознинг кредит тарихи батафсил ўрганиб чиқилиши шарт.

§2. Кредитлашнинг асосий тамойиллари ва шартлари

54. Жисмоний шахсларга кредитлар ажратиш мазкур сиёсат ва МКТнинг кредит ажратиш билан боғлиқ бошқа ички меъёрий ҳужжатларига асосан олиб борилади.

55. Кредитлар фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси - сўмда берилиши мумкин.
56. Микрокредитлар, кафолатлар, микролизинглар ва бошқа кредит операциялари бўйича минимал ва максимал фоиз ставкалари, муддатлари ва қўшимча шартлари ҳар бир кредит маҳсулоти бўйича мазкур Сиёсатнинг алоҳида иловасида белгиланади.
57. Кредит операцияларидан олинadиган даромад куйидаги харажатларни қоплаши керак:
 - а. фондлар қиймати;
 - б. МКТнинг кредит хизмати турларини, жумладан кутилаётган харажатлар, Маъмурий харажатлар, операцион харажатлар ва жами кредитни ажратиш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам ҳисобга олган ҳолда;
 - в. кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни.
58. Ҳар бир лойиҳа бўйича фоиз ставкалари, муддати, ундириладиган комиссия миқдори, асосий қарзни қайтариш муддатлари кредит комиссияси/кредит Кўмитаси томонидан ўзига берилган лимитлар ва ваколатлар доирасида белгиланади.
59. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси МКТнинг ўз кредит ресурслари, кредит муддатлари, қарздорнинг ўз мажбуриятларини бажарганлиги, ресурсларнинг талаб ва таклифи, кредит рискининг босқичларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.
60. Кредит шартномасида кўрсатилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Молия бозорида фоиз ставкалари бўйича ўзгаришлар юзага келиш ҳолатида, МКТ бир томонлама белгиланган фоиз ставкасини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлади.
61. Барча кредит турлари учун, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиб берганлиги учун ва бошқа кўрсатилган хизмат турлари учун МКТ мижоздан қўшимча хизмат ҳақи ундириши мумкин. Мазкур хизмат ҳақи фоиз ҳисобида ёки маълум бир келишилган суммада бўлиши мумкин ҳамда МКТ томонидан тасдиқланган тарифларга асосан ундирилади.
62. Кредит ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда МКТ тўлов жадвали бўйича тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмидан кредит шартномасида ўрнатилган тартибда 2% миқдорида, аммо умумий қарз миқдорининг 50%идан ошмаган миқдорда пеня ҳисоблайди. Бу шарт кредит шартномаларида кўрсатиб ўтилган бўлиши лозим.
63. МКТ кредит фоизларини кредит асосий қарзининг қолдиқ миқдorigа кунлик ҳисоблаб боради.
64. МКТ кредитларининг асосий қисми таъминот асосида ажратилади, аммо ҳар қандай таъминот ҳам мижознинг тўлов қобилиятини ўрганмай кредит ажратишга асос бўла олмайди. Таъминот кредитни қайтаришнинг қўшимча манбаси бўлиб, шу билан биргаликда мижознинг хатти-ҳаракатларини бошқариш воситаси ҳисобланади. Пул оқими кредитни сўндиришнинг асосий манбасидир, таъминот эса иккинчи даражали манба бўлиб хизмат қилади.
65. Кредит таъминотининг қиймати кредит асосий қарзини тўлиқ қоплаган тақдирдагина етарли ҳисобланади.
66. Кредит устамалари бўйича имтиёзлар берилиши МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.
67. Таъминотсиз кредитлар, яхши кредит тарихига эга бўлган, капитали етарли ва ликвидлик кўрсаткичи ўртачадан юқори бўлган, кредитни қайтариш имкониятлари шубҳа ўйғотмайдиган мижозларга берилади. Таъминотсиз кредитларнинг қайтариш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаслиги шарт. Таъминотсиз кредитларни ажратилиши фақатгина МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилиши руҳсати орқали амалга оширилади.

68. Ишонч асосида ажратилган ссудалар МКТ жами кредит портфелининг 5 фоизигача аммо, МКТ устав капиталининг 10 фоиз миқдоридан ошмаслиги шарт.
69. Гаров таъминоти давлатнинг тегишли рухсатномаси асосида фаолият юритаётган, ҳуқуқий ваколатга ва лицензияга эга бўлган мустақил баҳолаш органлари (мустақил баҳоловчилар) томонидан баҳоланиши шарт. Агар гаров объекти муқаддам тегишли тартибда баҳоланган ва МКТда сақланган бўлса ёхуд МКТ томонидан ажратилаётган кредит ҳисобига сотиб олинаётган бўлса, гаров мулки мустақил баҳоловчилар томонидан баҳоланиши талаб этилмаслиги мумкин. Шунингдек, жисмоний шахсларга тегишли маиший техника буюмлари ҳам мустақил баҳоловчи томонидан баҳоланиши талаб қилинмаслиги мумкин.
70. МКТ томонидан гаров мулкни қабул қилишда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 24.07.2006 йилда 1608-сон билан рўйхатга олинган 5-сонли “Мулкни баҳолаш миллий стандартлари”да кўрсатилган услубларда ва бозор нархида қабул қилади.
71. Кредит муддати тугаганидан сўнг, гаровнинг ҳолати кредитнинг асосий қарзи бўйича қарздорликни тўлиқ қоплаш учун етарли бўлиши шарт.
72. Мустақил баҳоловчилар томонидан баҳоланган гаров таъминотининг сифати, харидорғирлиги ва ликвидлиги, кредит ажратилишидан аввал МКТнинг кредит комиссияси томонидан ўрганилиб, мижоз билан келишилган ҳолда ҳамда МКТ томонидан тасдиқланган ликвидлик коэффициенти асосида белгиланган қийматда гаровга қабул қилинади.
73. МКТ томонидан қабул қилинаётган гаров таъминотининг қиймати, мустақил баҳоловчи томонидан тақдим қилинган баҳолаш қийматидан юқори бўлмаслиги шарт.
74. Кредит янгиланиши ёки пролонгация қилиниши ҳолатида, мазкур ҳолат юзасидан қарор қабул қилинишдан аввал, таъминот қайтадан баҳолаш зарурияти кредит мутахассиси томонидан ўрганиб чиқилиши шарт.
75. МКТнинг молиявий кўрсаткичларини реал баҳолаш мақсадида, тўлов жадвали бўйича тўланиши лозим бўлган асосий қарз ва (ёки) кредитга ҳисобланган фоизларнинг тўланиши 60 (олтмиш) кундан кечиктирилганда фоизларни ўстирмаслик тамойили қўлланилади.

§3. Янги кредит маҳсулотларининг жорий қилиш тартиби

76. Кредит Қўмитаси янги кредит турларини тасдиқлаш ҳамда жорий қилишга ҳақли.
77. Жорий қилинаётган янги кредит турлари ушбу сиёсат талабларига мувофиқ бўлиши шарт.
78. Зарур ҳолларда кредит бўлими, бошқа бўлимлар билан келишган ҳолда жорий қилиниши режалаштирилаётган янги кредит турлари уларнинг потенциал истеъмолчилари тўғрисида тўлиқ маълумотларни ёзма шаклда асослаб беришлари лозим.
79. Янги кредит турлари бўйича барча таклифлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:
- а. янги кредит тури тўғрисида умумий маълумот, потенциал истеъмолчиларнинг бозор ҳолати таҳлили, бизнес стратегияси;
 - б. кредит рискларини бошқаришнинг асосий шартлари;
 - в. бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи процедуралари (бухгалтерия бўлими билан келишилган ҳолда);
 - г. зарур ҳолларда тегишли йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилиш режаси;

- д. ҳуқуқий ҳолатлар таҳлили;
- е. солиққа тортиш таҳлили (бухгалтериябўлимидан маълумотнома).

§4. Дахлдор шахсларга кредит ажратиш талаблари

80. МКТга алоқадор шахсларга кредит ажратиш ва МКТ кафолати бериш фақатгина МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади.
81. МКТнинг барча дахлдор шахсларга берилган кредитларининг умумий суммаси МКТкапиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим.
82. МКТга дахлдор шахслар қуйидагилар ҳисобланади:
- а. раҳбар шахслар, шу жумладан, МКТ Кенгаши Раиси ва аъзолари, Ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари, МКТ бош бухгалтери ва МКТнинг бошқа ходимлари;
 - б. МКТ Устав капиталининг 1%-дан ортиқ улушга эга бўлган иштирокчилар (жисмоний шахс);
 - в. «а» ва «б» бандларда кўрсатиб ўтилган шахсларнинг яқин қариндошлари;
 - г. МКТнинг устав капиталидаги улуши 10% ёки ундан юқори бўлган йирик иштирокчиси бўлган ҳар қандай юридик шахс, уларнинг бевосита таъсисчилари;
- Яқин қариндошлар деганда қуйидагилар тушунилади:
- i. умр йўлдоши;
 - ii. отаси/онаси; (шу жумладан сақлаб олган отаси/онаси);
 - iii. ака /ука, опа/сингил;
 - iv. фарзандлари (шу жумладан сақлаб олган фарзандлар);
 - v. қайнона/қайнота;
83. Дахлдор шахсларга ажратиладиган кредитнинг максимал қиймати:
- а. МКТга дахлдор шахсга ажратиладиган кредит миқдори, бир мижозга ҳамда ўзаро боғлиқ мижозлар гуруҳига ажратиладиган кредит лимит тартиблари асосида белгиланади.

§5. Кредит устамасини ҳисоблаш

84. Кредитлаш бўлими кредитлаш фаолиятини ўрнатилган меъёрлар ва белгиланган фоиз устамаларига мувофиқ равишда амалга ошириши зарур.
85. МКТ раҳбарияти фоиз устамалари миқдорини белгилаш учун МКТ фаолиятини юритиш билан боғлиқ харажатлардан хабардор бўлиши зарур. Ушбу барча факторлар, даврий равишда таҳлил қилиб бориш, фоиз устамалари миқдорига ўзгартиришлар киритиш ва харажатлар ўзгаришини баҳолаш, алоҳида турдаги кредитлар бўйича рақобат ёки рисклар билан боғлиқ факторларга мослаша олиш имконини беради.
86. МКТнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоиз устамалари - кредитдан фойдаланиш муддати, қарз олувчи томонидан тақдим этилган кредит таъминоти, кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифлар ҳамда уларнинг баҳоси, шунингдек, кредит шартномасидан келиб чиқадиган риск даражасига асосан белгиланади.
87. Кредитлашнинг дастлабки шартларига ўзгартириш киритиш, Мижоз томонидан тўловларнинг кечикиши ҳамда Мижоз фаолиятидаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

§6. Кредитлаш манбалари

88. МКТ ликвидлиги, асосан МКТ ресурс базасининг барқарорлигига боғлиқдир.
89. МКТ бошқаруви МКТнинг ликвидлик позициясини барқарор сақлаб туриш учун қуйидагиларни амалга ошириши зарур:
 - а. банклардан ссудалар жалб этиш;
 - б. юридик шахслардан муддатли қарз шартномалари орқали қарз маблағлари жалб этиш;
 - в. ўз таъсисчилари бўлган жисмоний шахслардан Устав фондининг 50%идан ортмаган миқдорда қарз маблағлари жалб этиш.
90. Жалб қилинган маблағларнинг қайтариш муддати активларнинг қайтариш муддатига мувофиқ бўлиши зарур. Активлар ва мажбуриятларнинг муддатлар бўйича номувофиқлиги, МКТ ликвидлигига хавф солувчи асосий манба ҳисобланади.
91. Кредит Қўмитаси томонидан мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда МКТ бўйича кредитлаш муддатига чекловлар ўрнатилиши мумкин.

V. КРЕДИТ РИСКНИ БОШҚАРИШ

92. Кредит rischi МКТ қарздорлари томонидан кредит мажбуриятларини бажара олмаслик эҳтимоли билан боғлиқ бўлиб, қарзнинг асосий суммаси ёки ҳисобланган фоиз миқдорини, шартномада белгиланган муддатда (тўлиқ ёки қисман) қайтара олмаслик кўринишига эга бўлади. Кредит riskларини келтириб чиқарувчи бир қатор сабаблар мавжуд бўлиб, асосийлари, кредит портфели концентрациясининг ошиб кетиши, кредитлаш имкониятини таҳлил қилишда ҳамда кредитлар билан ишлашдаги лаёқатсизлик ва таъмагирлик ҳолатларида намоён бўлади.
93. Кредит riskлари концентрацияси, алоҳида ёки ўзаро боғлиқ кредиторлар гуруҳига йирик миқдордаги кредитларни ажратиш натижасида юзага келади. Мазкур концентрация, МКТ қарздорларининг алоҳида бир иқтисодий тармоқ ва географик ҳудудларда мужассамлашганлиги натижасида ҳам юзага келади.
94. Кредит фаолиятини самарали бошқаришда, кредит портфелининг riskлилиги даражаси мунтазам равишда баҳоланиши ва назорат қилиниши шарт.
95. Кредит операциялари - МКТ фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланиб, ўз навбатида юқори riskли операциялар туркумига киради. Шунинг учун кредит операциялари бўйича riskларни баҳолаш – МКТ молиявий барқарорлигини таҳлил этишнинг асосий мезони ҳисобланади.
96. МКТ томонидан кредит riskини бошқариш икки босқичдан ташкил топади:
 - а. биринчи босқичда кредит буюртмалари кредит мутахассиси ва кредит қўмитаси томонидан чуқур таҳлил қилинади, бунда қарз олувчининг қарзни тўлашга қодирлиги, унинг фаолиятини кучли ва заиф томонларини баҳолаш, кредитни сўндиришнинг эҳтимоли бўлган муддатларига катта эътибор берилади. Агар жисмоний шахс МКТ сиёсатининг барча талабларига жавоб берса, кредит шартномаси расмийлаштирилади, унда иккала томоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилади;
 - б. кредитлаш жараёнининг иккинчи босқичи кредит берилганидан сўнг бошланиб, қарз олувчининг жорий фаолияти ва бошланғич босқичда муаммолари, яъни ўз вақтида қайтарилиш имконияти паст бўлган кредитларни аниқлашдан иборат.
97. МКТ қарздорларга кредит маҳсулотини тақдим этишдан аввал, қарздорнинг фаолиятига боғлиқ барча riskларни атрофлича ўрганиб чиқиши, кредит портфелини risk гуруҳлари бўйича диверсификация қилиши шарт.

98. МКТ кредит портфелининг структураси, маблағларни жойлаштириш муддати, пассив операциялар орқали жалб қилинган маблағлар муддати нисбатига мутаносиб равишда олиб бориши шарт.
99. МКТ қуйидаги ҳолатларда қарздорга кредит бермасликни афзал кўради:
- Кредит операциясининг риск даражаси юқори бўлган ҳолатлар;
 - Қарздорнинг заиф молиявий ҳолати;
 - Қарздорнинг ишончлилиқ даражаси паст бўлиши;
 - Кредит маблағларини қайтариш манбаларининг мавжуд эмаслиги;
 - Мижоз билан келгусида ишлаш истиқболининг мавжуд эмаслиги.
100. Истисно тариқасида ликвид таъминоти ёки қарздорнинг ижобий кредит тарихи мавжудлигига кўра юқори даромадли операциялар амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолларнинг ҳар бири бўйича Кредит қўмитаси алоҳида қарор қабул қилади.
101. МКТ кредит портфелини шакллантиришдаги асосий тамойил — кредит портфелини хўжалиқ фаолиятлари (иқтисодиёт сегментлари) ва ҳудудлар ўртасида диверсификация қилиш тамойили орқали амалга оширилади. Микроқарзлар ва жисмоний шахсларга ажратилаётган бошқа микромолиявий хизматлар бўйича иқтисодиёт тармоқлари кесимида диверсификация амалга оширилмайди.

VI. КРЕДИТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА КРЕДИТ АЖРАТИШ ҚОИДАЛАРИ

§1. Кредит операциялари жараёнида ҳужжатлар алмашинув тизими

§2. Кредит операциялари бўйича ҳужжат юритиш талаблари

§3. Кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар

§4. Кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш

§5. Кредит таъминоти ва унга қуйиладиган талаблар

§6. Кредит ҳужжатлар бўйича хулосалар

§7. Кредит шартномасини тузиш

§1. Кредит операциялари жараёнида ҳужжатлар алмашинув тизими

102. Мижозлар томонидан кредит маҳсулотларидан фойдаланиш мақсадида тақдим этилган аризаларни МКТ томонидан кўриб чиқилиши учун «PULMAN МКТ» томонидан микромолиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларида келтирилган рўйхатга асосан ҳужжатлар тақдими қилингандагина амалга оширилади. Мазкур маълумотларнинг мавжуд бўлмаслиги шароитида кредит ажратиш юзасидан қарор қабул қилиш таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 4-сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2925-сон билан тасдиқланган «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари»га кўра жисмоний шахс кредит олиш учун мурожаат қилганда МКТ ушбу жисмоний шахс фаолиятини тегишли тарзда текшириш бўйича мустақил чора тадбирларини кўриши керак. Юридик шахс мақомидаги мижозни тегишли тарзда текшириш бўйича чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а. тегишли ҳужжатлар асосида мижоз фаолиятини ҳамда мижоз номидан иш юритаётган шахсларнинг шахсини фаолиятига доир маълумотларни текшириш;
- б. мижознинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш;
- в. мижоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни, мижоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларига мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий равишда ўрганишни ташкил қилиш.

§2. Кредит операциялари бўйича ҳужжат юритиш талаблари

103. Кредит ажратиш қарори қабул қилинишидан аввал, жисмоний шахсларнинг кредит ҳужжатлари йиғма жилдида, Буюртмачи, Кафиллик берувчи, кафолат берувчиларнинг молиявий ҳолатига доир адекват маълумотлар шакллантирилган (даромадлар тўғрисида маълумотлардан таркиб топган) бўлиши лозим.
104. Кредит олувчининг кредитга лаёқатлилиқ ҳолатини ўрганиш икки босқичда амалга оширилиши шарт:
- а. Дастлабки таҳлил - кредит олиш аризаси билан мурожаат қилган Мижоз томонидан ариза билан биргаликда тақдим қилинган маълумотлар, Скорининг усули воситасида ҳужжатлар ҳаққонийлиги таҳлили ҳамда кредитга лаёқатлилигини Скоринг усули воситасида амалга ошириш.
 - б. Якуний таҳлил – дастлабки босқичда амалга оширилган таҳлил натижасида қўлга киритилган маълумотлар МКТ ички меъёрлари томонидан белгиланган талабларга мувофиқ келиши оқибатида, Кредит мутахассиси ҳамда тегишли бўлинмалар томонидан Кредит олувчининг молиявий-хўжалиқ фаолияти, ривожланиш истиқболи, мажбуриятларни бажариш таъминоти ҳолатига тегишли тартибда хулоса тақдим қилинади.
105. Кредит бўлинмалари ҳамда бошқа тааллуқли бўлинмалар хулосалари, Кредит Қўмитаси қарори қабул қилинишидан аввал расмийлаштирилиши шарт.
106. Кредит олувчи томонидан тақдим қилинган кредит ҳужжатлар йиғмажилди, Кредит олувчининг умумий фаолияти бўйича барча маълумотдан таркиб топган бўлиши керак.
107. «PULMAN Mikrocredit Tashkilotida микромолиявий хизматлар кўрсатиш қодалари»да келтирилган ҳужжатлар рўйхатига кредит, кредит олувчи ва таъминот туридан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши ҳамда тўлдирилиши мумкин. МКТ ички ҳужжатлари асосида ҳужжатлар рўйхатига қўшимча талаблар киритилиши мумкин.
108. Мазкур ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар кредит рискин камайтиришга қаратилган бўлиши шарт. Кредит олувчининг молиявий ҳолати ёмонлашуви ва/ёки гаров таъминот қийматининг пасайиши ҳолатида қўшимча ҳужжатлар талаб қилиш ҳуқуқи МКТ ихтиёрида қолдирилиши, кредит шартномасида белгилаб ўтилиши шарт.

§3. Кредит олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

109. Жисмоний шахслардан талаб қилинадиган ҳужжатлар.
- а. Ариза (буюртма)
 - б. Паспорт (қарз олувчи)
 - в. Паспорт (кафолатчи)

г. Анкета, даромади тўғрисида маълумот (қарз олувчи маълумотлари асосида МКТга ариза берган вақтда МКТ ходимлари томонидан шакллантирилади).

110. МКТ мижоз томонидан кредит олиш учун тақдим этган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида зарур барча маълумотларни талаб қилиши мумкин.

§3. Кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш

111. Мижозлар томонидан тақдим қилинаётган аризалар 1 иш кун ичида кўриб чиқилиши шарт.

112. Мижозлар томонидан тақдим қилинаётган аризалар кўриб чиқилгандан кейин ижобий ҳулоса берилган аризалар бўйича кредит ажратиш мижознинг хохишига кўра 7 иш куни давомида ажратилиши мумкин. Мижозга ажратилган кредит ушу муддат давомида олинмаса, ушбу муддат тугагандан кейинги мурожати умум белгиланган тартибда, ҳужжатлар қайта тақдим қилинган ҳолда кўриб чиқилади.

113. МКТ мижоз томонидан кредит олиш учун тақдим этган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида зарур барча маълумотларни талаб қилиши мумкин.

114. Жисмоний шахс бўлган мижозлар бўйича кредит бўлими томонидан ҳулосалар тақдим этилиши талаб этилмайди. Тадбиркорлик мақсадлари учун ажратиладиган барча микромолиявий хизматлар бўйича кредит бўлими томонидан тегишли тартибда таҳлил амалга оширилади ва лойиҳа Кредит Қўмитасида топширилгунга қадар кредит бўлими ҳулосаси тақдим этилади.

115. Буюртма асосланган ҳолда рад этилган тақдирда бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

§4. Кредит таъминоти ва унга қўйиладиган талаблар

116. Кредитни қайтарилмаслик рискени камайтириш мақсадида буюртмачи кредит таъминоти сифатида Кафиллик таъминот турини тақдим этиши шарт.

117. МКТ ички классификациясига асосан, мажбуриятларни бажариш таъминоти қуйидагилардан иборат:

а. Тўлов қобилияти юқори бўлган 3-шахсларнинг кафиллиги кредит ҳамда ҳисобланган фоизлар қийматининг 100% га таъминлаши шарт.

118. МКТда жами кредит портфелининг 100 фоизигача 3-шахсларнинг кафилликлари асосида ажратилган кредитлар ташкил этиши мумкин.

§5. Баҳолаш

119. Қарз олувчининг қарзни тўлай олиш қобилиятини баҳолаш тамойиллари ва унинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш бўйича чоралар МКТ ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган талаблар доирасида амалга оширилади.

120. Қарз олувчининг характери, капитал, қобилият, таъминот ва шартлар.

Кредитларни бериш қуйидаги меъзонларга асосланади:

а. Кредит олиш учун Мижоз томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган барча маълумотларнинг тақдим этилиши. Маълумотлар ишончли бўлиши лозим. Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига текширилиши МКТ назорат ва аналитика бўлими мутахассиси томонидан амалга оширилиши лозим.

§6. Кредит шартномасини тузиш

121. Кредит Қўмитасининг ижобий қарори асосида кредит шартномаси тузилади. Шартномада бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, кредит шартномаси МКТ ва кредит олувчи томонидан шартнома имзоланган санадан бошлаб кучга киради.
122. Кредит шартномасида қуйидагилар кўзда тутилиши лозим:
- а. кредитнинг суммаси;
 - б. кредитни бериш ва уни қайтариш тартиби ҳамда шакллари;
 - в. мажбуриятларни таъминлаш шакллари, фоиз устамалари, уларни ҳисоблаш тартиби ҳамда тўлаш шакллари;
 - г. кредитни бериш ва қайтаришда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
 - д. кредитни бериш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг даврийлиги;
123. Кредитни бериш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан кредит олувчига кредит карточкаси очилади ҳамда мазкур карточка бўйича берилган кредит назорат қилиб борилади.
124. Берилган кредит учун фоизларни ҳисоблаш ва ундириб олиш кредит шартномасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади. Белгиланган муддатда сўндирилмаган кредит қарзини муддати ўтган қарзлар ҳисоб рақамига ўтказилади.

VII. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН КРЕДИТ ТУРЛАРИ

§1. Микроқарз

125. МКТ томонидан микроқарз ажратиш Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисидаги» қонунига мувофиқ амалга оширилади.
126. Микроқарзнинг максимал муддати 21 кунни ташкил қилади.
- Кредит бўйича тўловлар ва унга ҳисобланган фоизлар қарз берилган кундан бошлаб 21-кунни тўлиқ қайтарилиши лозим.
127. Кредит тўловчининг тўлов ва кредитга лаёқатлилиги даражаси МКТ қўмитаси томонидан ўрнатилган МКТ ички меъёрларига асосан аниқланади.
128. Микроқарз кредит олувчининг ихтиёрига қура нақд пулда, талаб қилиб олгунча ҳисоб рақамига ёки пластик карточка пул ўтказиш йули билан берилади.
129. Тўловлар белгиланган муддатдан кечикса тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмидан кредит шартномасида ўрнатилган тартибда 2% миқдорида, аммо умумий қарз миқдорининг 50%идан ошмаган миқдорда пеня ҳисоблайди.

VIII. КРЕДИТ МОНИТОРИНГИ

130. Мониторинг кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида, кредит олувчи билан яқин алоқаларни сақлаб турган ҳолда кредит ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномада кўзда тутилган муддатларда сўзсиз қайтарилишини таъминлашдан иборат.
131. Кредит мониторинги қуйидагиларни назарда тутлади:
- а. кредитни мониторинг қилиш;
 - б. кредит портфелини мониторинг қилиш.
132. МКТ кредитларни мониторинг қилиш тизими қуйидагича шакллантирилган:

- а. дастлабки мониторинг – кредит буюртмасини кўриб чиқишда кредит ҳужжатларининг тўлиқлиги, тўғри ва пухта расмийлаштирилганлиги, таъминланганлиги ва мақсадлилигини ўрганиш;
 - б. жорий мониторинг – кредитни ажратиш ва кредитдан фойдаланиш даврида мақсадли фойдаланишни, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтарилаётганлигини назорат қилиш, қарздорнинг ва таъминотнинг жорий ҳолатини мунтазам баҳолаб бориш;
 - в. якуний назорат – кредит портфели самарали бошқариш ва диверсификациясини назорат қилиш. Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтарилмаслик ҳолатини юзага келтирувчи факторларни аниқлаш;
133. МКТ кредитлаш жараёнида доимий равишда қуйидаги ишларни амалга оширади:
- а. кредит шартномасидаги шартларни бажарилиши;
 - б. кредит олувчининг кредитдан самарали фойдаланишини таъминлаш;
 - в. кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши;
 - г. мижознинг жорий кредит рейтингидаги ўзгаришларни мунтазам кузатиб бориш.
134. МКТ кредит олувчининг, кредитга лаёқатлилигини мунтазам кузатиб, натижаларни кредит олувчининг мониторинг ҳужжатлари йиғмажилдида йиғиб боради.
135. Кредит шартномасининг шартларидан келиб чиққан ҳолда, ўз мажбуриятларини бажармаётган кредит олувчига нисбатан:
- а. кредит олувчи МКТнинг талабларини келишилган муддатда бажармаса, унга кредит беришни тўхтатилиши тўғрисидаги огоҳлантириш-даъво хатини юбориш;
 - б. кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаганда, шунингдек, кредит шартномасида белгиланган муддатларда кредитнинг қайтариш имкониятлари бўлмаган тақдирда:
 - i. кредит колдиғини муддатидан олдин ундириш;
 - ii. кредит олувчига нисбатан, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жазо чораларини қўлланиши тўғрисида огоҳлантирувчи даъво хатини юбориш;
136. МКТ қуйидаги ҳолларда иқтисодий судларига даъво аризаси билан мурожаат қилган ҳолда ушбу шартномани бир томонлама муддатидан олдин бекор қилиш ва кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ундириш ҳуқуқига эга:
- а. қарздор кредит олиш учун ҳақиқий бўлмаган (сохта) ҳужжатлар тақдим этилганлиги аниқланганда;
 - б. қарздор томонидан кредитни фойдаланиш даврида кредит ёки фоизларни тўлаш муддати 21 кун (қисқа муддатли кредитлар учун) кечиктирилган даврда;
 - в. Кафиллик берувчининг молиявий ҳолати ёмонлашганда яъни тўловга қобилияти бўлмаган ҳолларда.
137. Қарздор томонидан кредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, Қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилади.
138. Қарздор томонидан кредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаган тақдирда кафиллик берувчидан талабнома билан ундириш ҳуқуқига эга.

IX. КРЕДИТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ ВА ЗАХИРАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

139. МКТда кредитларни таснифлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 16.07.2012 йилда 2378-сон билан рўйхатга олинган “Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га асосан амалга оширилади.
140. Кредитлар таснифланаётганда ҳамда қарзлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил этиш ёки улар ўрнини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда, кредитнинг тўлов муддати кечиктирилган кунлар сони бўйича баҳолади:
- а. Кечиктирилган кунлар сони 21 кундан ортиқ бўлган кредитлар кредит асосий қарзининг қолдиқ миқдорига нисбатан 100% захира шакллантирилади.
141. Қайтмаслик хавфи бўлмаган активлар "яхши" деб таснифланади. Муддати ўтган ва шартлари қайта кўриб чиқилган (реструктуризация қилинган) ссудалар (активлар) "яхши" актив сифатида таснифланиши мумкин эмас.
142. МКТ ташкилотида захираларни шакллантириш ёки кредит қисман ёки тўлиқ қайтарилган тақдирда шакллантирилган захираларни камайтириш юқоридаги мезонлардан келиб чиққан ҳолда ҳар куни дастурий таъминот ёрдамида автоматик тарзда амалга оширилади.
143. Мазкур таснифлар МКТ фойдасига таъсир қилувчи, кредит қайтарилмаслиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни тахмин қилиш имконини беради.

X. МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БИЛАН ИШЛАШ**§1. Кредит шартларининг ўзгартирилиши (Реструктуризация)****§2. Муаммоли кредитлар бўйича материалларни расмийлаштириш ва ҳуқуқни химоя қилиш ва суд органларига тақдим этиш****§3. Умидсиз кредитларни ҳисобдан чиқаришқоидалари****§1. Кредитшартларининг ўзгартирилиши (Реструктуризация)**

144. Реструктуризация – бу биринчи битим шартларига таққослаганда кредит тўғрисида янги битимда белгиланадиган кредит шартларидаги ўзига хос ўзгартиришлардир. Хусусан, фоиз ставкасининг пасайтирилиши ёки кредитни қайтариш муддатининг узайтирилиши бунга мисол бўла олади. Реструктуризация қилинган кредит бу муайян муаммоларни ўз ичига олувчи активдир. Реструктуризация қилишга вақтинчалик хусусиятга эга бўлган қутилмаган вазиятлар сабаб бўлиши мумкин.
145. Кредит муддатининг узайтирилишига фақатгина таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан йўл қўйилади. Муддат узайтирилганда қарз олувчига кредитни қайтариш тартиби кўрсатилган ҳолдаги қарзни қайтаришнинг янги жадвали тақдим этилади.
146. Қарзни қайтариш жадвалининг қайта кўриб чиқилишига фақат истисно вазиятлардагина йўл қўйилади. Баъзида қарз олувчига боғлиқ бўлмаган сабаблар кўра кредит қайтарилмаслик ҳолатлари бўлади. Кредитни қайтариш жадвалининг қайта кўриб чиқилиши фақатгина агар қарз олувчи авваллари кредитни ўз вақтида қайтарган, ва агар кредитни тўлашнинг қайта кўриб чиқилган жадвали бўйича мажбуриятларини ижро этишга қодир бўлиши учун кредитни қайтаришнинг қайта кўриб чиқилган даврида айланма маблағи ва

тўловга қобилияти етарли бўлганда амалга оширилиши мумкин. Кредитни қайтаришнинг қайта кўриб чиқилган барча жадваллари Кредит Қўмитаси томонидан тасдиқланган бўлиши ва қайта кўриб чиқилган жадвали бўйича МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишининг розилиги бўлиши керак. Истисно ҳолатларга қуйидагилар мисол бўла олади:

- а. Мижознинг вафоти;
- б. Оила аъзосининг вафоти (фақат эр/хотин ва фарзандлари);
- в. Қарздор билан бир хўжаликда истиқомат қилувчи мазкур оиладаги ота-оналардан бирининг вафоти;
- г. Табiiй офат, хашаротларнинг оммавий ёпирилиши (қишлоқ хўжалик кредитлари олинганда), уй ҳайвонларининг касалланиш эпидемияси (уй ҳайвонларини кўпайтириш бўйича кредит олганда) билан боғлиқ форс-мажор ҳолатлар. Бу ҳодисалар ЎзР Ҳукумати томонидан расмий эълон қилинган тақдирда тан олинади.
- д. Агар қарздор турар жойининг 80 % ёнғинда ёниб кетган бўлса;
- е. Агар қарздор оғир касал бўлган ва унинг фаолиятини давом эттириш учун дарҳол ўрнига қўядиган қариндоши бўлмаган бўлса.

147. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларни реструктуризация қилиниши мумкин бўлган қарз олувчиларга талаблар

- а. Қарздорнинг вафоти: Қарздорнинг яқинлари унинг вафоти тўғрисида ариза тақдим этиши керак. Худди туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома сингари вафоти тўғрисидаги гувоҳномани туғилган санаси, ўлими сабаби, вафот қилган санаси кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак. Кредит фаолиятини ўзига қабул қилаётган киши марҳумнинг қолган қарз суммасини ўз зиммасига олаётганлиги ҳақида имзоланган аризани тақдим этиши лозим.
- б. Оила аъзосининг вафоти: Қарздорнинг оила аъзоси (бир хонадонда истиқомат қилувчи ота-онаси, турмуш ўртоғи ва фарзанди) вафоти тўғрисида ариза тақдим этиши керак. Худди туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома сингари вафоти тўғрисидаги гувоҳнома туғилган санаси, ўлими сабаби, вафот қилган санаси кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.
- в. Форс-мажор: Қарздор МКТга зарарнинг сабаби ва унинг пул ифодасидаги ҳажми тўғрисидаги аризани тақдим этиши керак. Йўқотиш миқдори кредит умумий суммасининг камида 50 % ни ташкил этиши керак.
- г. Хонадонда ёнғин: Қарздор МКТ ходимларини зарарни кўрсатиш ва фотосуратга олиш учун хонадонига таклиф этади. Ёнғиннинг расмий аниқлаштирилган сабаби МКТга хабар берилиши керак. Хонадонга ўт қўйиб юбориш натижасидаги ёнғин истисно этилади.
- д. Оғир касалланиш: Қарздор касаллигини тасдиқловчи тиббий гувоҳномани МКТга тақдим этади ва ёзма равишда қарздорнинг ҳақиқатда ҳам касаллигини тасдиқлаши керак. МКТ қарздорнинг ҳисобидан ўзи томонидан белгиланган шифокорнинг гувоҳлигини олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Реструктуризация қилиш тўғрисидаги қарор реструктуризация қилиш сабаблари аниқ кўрсатилган ҳолда баённома билан расмийлаштирилган бўлиши керак.

§2. Муаммоли кредитлар бўйича материалларни расмийлаштириш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд органларига тақдим этиш

148. МКТда асосий қарз ёки унга ҳисобланган фоизлар 21 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган барча микромолиявий хизматлар муаммоли деб тан олинади.
149. Кредит портфелида муаммоли активларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ижрочи директор кредит бўлими ходимлари зиммасига юклатилади.
150. МКТ муаммоли активларга қуйидаги ҳолларда кредитлар бўйича фоизларни ўстирмаслик мақомини қўллайди:
 - а. асосий суммани қайтариш ёки унинг фоизини тўлаш муддати 60 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда;
151. Кредитга «ўстирмаслик» мақоми берилган пайтдан бошлаб:
 - а. барча ҳисобланган, лекин олинмаган фоиз даромадлари ҳисобдан чиқарилиши лозим;
 - б. фоизли даромадларнинг келгуси ҳисоби балансдан ташқари 91501-ҳисоб рақамларда юритилади;
 - в. ушбу молиявий воситалар бўйича барча кейинги тўловлар асосий қарзларни тўлиқ қайтарилишига йўналтирилади;
152. «Фоизларни ўстирмаслик» мақоми берилган активлар бўйича фоизлар ҳисоби балансдан ташқари ҳисоб рақамларда олиб борилади.
153. Қуйидаги ҳолларда кредитларнинг ҳисоблаб борилиши мақоми тикланиши ва улар бўйича фоиз ҳисоблаш амалга оширилиши мумкин:
 - а. Муддати ўтган фоизлар ва қарзнинг асосий суммаси тўлиқ тўланган бўлса;
154. Қарздор томонидан олинган кредит ва фоиз тўловларини қайтариш муддати ўтганда МКТ қарздорликларни тўлаб беришни қарздордан талаб қилиб, эътироз хати билан мурожаат қилади. Муддати ўтган қарздорлик юзага келганидан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида Қарздор томонидан МКТ талаблари қондирилмаганда қуйидаги ишлар амалга оширилади:
 - а. қарздор томонидан кредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, Қонунда белгиланган тартибда суд ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қилади.
 - б. қарздор томонидан кредит бўйича асосий қарздорлик ва унга ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаган тақдирда, гаровга олинган мол-мулк, қарздорнинг розилигидан қатъий назар, кейинчалик сотиш ҳуқуқи билан МКТ мулкига ундирилади.
 - в. Қарздорнинг пул маблағлари етишмаган тақдирда кредит бўйича қарзларнинг розилигига кўра унинг ликвидли мол-мулки ҳисобидан ёки суди орқали қарздорнинг мол-мулкига қаратиш йўли билан ундирилади.
155. Юқоридаги чора-тадбирлар амалга ошмаган тақдирда кредит ва юридик бўлимлари биргаликда асосий қарз ва фоиз тўловларини қайтариш учун қарздор мижоз ва унга кафилик берган ташкилотлар ҳужжатларини судга тақдим этади.
156. МКТ томонидан кредит ҳужжатларини юритиш, кредит бериш ва уни қайтаришда суистеъмолчиликка йўл қўйилган, қарздор ва кредитор томонидан жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳолатларда, хусусан, пул маблағларини талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш, мансаб ваколатини

суистеъмол қилиш, маъсулиятсизлик ва қалбаки ҳужжатларни тақдим этиш оқибатида кредитларни ўз вақтида қайтармаслик ҳамда мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари аниқланган тақдирда ва МКТга зарар етказилган ҳолатлар аниқланган тақдирда ижрочи директор ҳужжатларни ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд органларига тақдим этиш масаласини кўриб чиқади.

157. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва суд органларига қуйидаги ҳужжатлар юборилади:
- а. қарздор томонидан кредит олиш учун берилган ариза;
 - б. қарздор номидан кредит шартномасига имзо чекувчи шахснинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - в. агар қарздор номидан бирор шахс вакил бўлиб иштирок этаётган бўлса, имзолар нусхаси;
 - г. кредит шартномаси;
 - д. кредит таъминотининг мавжудлиги ва таъминот шартларини тасдиқловчи ҳужжатлар;
 - е. кредит Кўмитасининг кредит муддати ва шартлари кўрсатилган шартноманинг тасдиқланганлиги тўғрисидаги қарори;
 - ж. МКТ томонидан кредит устидан мониторинг ўрнатилганлиги ва уни қайтарилиши бўйича амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги ҳужжатлар.

§2. Умидсиз кредитларни ҳисобдан чиқариш ва улар билан ишлаш қоидалари

158. Кредитни қайтариш муддати 180 кундан ошиқ кечиктирилганда ёхуд бошқа сабаблар билан кредитнинг қайтарилиши умидсиз деб топилганда, МКТ Кредит Кўмитаси кредитни ҳисобдан чиқариш бўйича қарор қабул қилиши мумкин.
159. Умидсиз деб таснифланган кредитларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Кредит Кўмитаси қарорни тасдиқлаш учун МКТнинг юқори бошқарув органига тақдим этади. Бундай қарор, фақат МКТнинг Таъсисчилари Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради ва ижро этилади.
160. Активнинг ҳисобдан чиқарилиши активнинг қисман ёки тўлиқ қайтарилиши мумкинлигини инкор этмайди.

XI. КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ЮЗАСИДАН МКТ ТАЪСИСЧИЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИГА ҲИСОБОТ БЕРИШ

161. Кредит Кўмитаси ҳар чорак якуни бўйича келгуси ойнинг 10-санасига қадар, кредит портфелида мавжуд кредитлар бўйича кредитлаш бўлимлари мутахассисларининг олиб борган мониторинг натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларини ҳамда диверсификация бўйича тегишли ҳисоботни МКТТаъсисчилари Умумий Йиғилишига тақдим этилиши шарт.
162. МКТ Таъсисчилари Умумий Йиғилишига МКТ ижрочи директори томонидан кредит портфелининг ҳолати, муддати ўтган ва тўланмаган фоизлар ҳамда кредитларнинг таснифланиши бўйича барча маълумотларни ўз ичига оладиган, шунингдек умидсиз активларни ундириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни акс эттирилган ҳисобот тақдим қилинади.

Ижрочи директор

Ш.А.Бойсариев